# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 23 декабрь, № 270 (9165) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21-22 декабрь кунлари амалий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.**






Давлатимиз раҳбари 22 декабрь куни Санкт-Петербургдаги “Эрмитаж” давлат музейида МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳам қатнашдилар.

Учрашувда жорий йилдаги биргаликдаги ишларнинг асосий якунлари сарҳисоб қилинди ва келгуси йил учун устувор вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзаро товар айирбошлашни ошириш учун янада қулай шароитлар яратиш, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро инвестициялар ўсишини рағбатлантириш ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, энергетика ва рақамлаштиришда шерикликни мустаҳкамлаш, фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида қўшма лойиҳаларни кенгайтириш, шунингдек, ҳудудлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида маданий ва гуманитар алмашинувларни давом эттириш, хусусан, ёшларнинг ижодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

Санкт-Петербургдаги норасмий учрашувнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари билан биргаликда “Эрмитаж” давлат музейига ташриф буюрди.

Етакчилар ноёб санъат асарлари ва маданият ёдгорликлари тўпланган ушбу дунёдаги энг йирик музейларидан бирининг экспозицияси билан танишдилар. Ташриф чоғида Россия ва Европа тарихи ҳамда бадиий меросининг асосий босқичларини акс эттирган Бош музей мажмуаси заллари билан танишилди.

Делегациялар раҳбарлари Александр залида бўлиб, бадиий кумуш экспозициясини кўздан кечирдилар, шунингдек, тантанали маросимлар ва расмий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган Пикетлар зали ва Герблар залига ташриф буюрдилар.

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган бетакрор буюмлар сақланувчи Олтин хазина, афсонавий “Товус” механик соати жойлашган Кичик Эрмитажнинг Павильонлар зали меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Ташриф давомида маданий мулоқотни мустаҳкамлаш, тарихий меросни асраб-авайлаш ва Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

---

Учрашув

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф ал-Утайбий билан учрашди.*

Суҳбат чоғида сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот фаоллашгани, олий ва юқори даражадаги ўзаро ташрифлар мунтазам тус олгани қайд этилди. Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига давлат ташрифи, шунингдек, халқаро ва минтақавий саммитлар доирасидаги учрашувлар стратегик шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилгани таъкидланди.

Учрашув давомида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат парламентларида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада фаоллаштириш, тажриба алмашиш ва ўзаро ташрифларни кенгайтириш муҳимлиги қайд қилинди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик бўйича эришилган амалий натижаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, инвестиция лойиҳалари портфелининг сезиларли даражада кенгайгани, энергетика соҳасида, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган қўшма тадбирлар, шунингдек, Ҳаж ва Умра зиёратларини ташкил этишда яратилаётган қулай шарт-шароитлар икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаётгани урғуланди.

Хусусан, пойтахтимизда бунёд этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг ислом маданий меросини ўрганишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Келгусида мазкур марказ билан илмий тадқиқотлар олиб бориш, халқаро анжуманларни ўтказишда ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида парламентлараро алоқалар изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёр эканини билдирди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

---

Сиёсий партиялар фракцияларида

## МУҲОКАМАЛАРДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАН ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган масалалар атрофлича кўриб чиқилди.*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб Президентимизнинг шу йил 18 — 20 декабрь кунлари Японияга расмий ташрифининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга ташрифи Ўзбекистон — Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воқеа бўлиб, икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.

Токиодаги учрашув ва тадбирлар Ўзбекистоннинг минтақавий жараёнлардаги кучайиб бораётган мавқеи ҳамда етакчи халқаро шериклар билан кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тамойилига содиқлигини яна бир бор тасдиқлагани таъкидланди.

Фракция аъзолари мамлакатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи ва “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитидаги иштироки икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очишини эътироф этди.

Шундан сўнг бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза билан кенг танишиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига тақдим этишнинг аниқ муддатини белгилаш таклиф қилинмоқда.

➔ 2

---

# ИНСОН КАПИТАЛИ ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЁТ

## ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 18 — 20 декабрь кунлари Японияга амалга оширган расмий ташрифи ҳамкорлик уфқларини кенгайтириш билан бир қаторда Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.*

### Нуқтаи назар

Ушбу ташриф дастури мазмунан бойлиги ва амалий натижаларга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Япония Императори қабули, парламент палаталари раҳбарияти билан учрашувлар, 200 дан зиёд япон компаниялари иштирокидаги кенг кўламли бизнес-форум, бешта етакчи корпорация билан алоҳида музокаралар ҳамда Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги билан ўтказилган батафсил мулоқотлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг стратегик ва амалий устувор йўналишларини аниқ белгилаб берди.

Бундай тиғиз жадвал ташриф протокол талабларини бажариш учун эмас, балки аниқ қарорлар қабул қилиш, муҳим келишувларга эришиш ва натижа олишга қаратилганидан далолат беради. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга жиддий ва масъулиятли ёндашувининг яққол исботидир.

### Узоқ муддатга мўлжалланган тизимли ёндашув

Токиода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Япония Бош вазири Санаэ Такаичи ўртасида бўлиб ўтган музокараларда гуманитар ҳамкорлик, айниқса, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасини янада фаоллаштириш масалаларига устувор аҳамият берилди. Бу ҳолат икки давлат ўртасидаги муносабатлар фақат иқтисодий ёки савдо манфаатлари билан чекланиб қолмаётгани, балки узоқ муддатли барқарор тараққиётни таъминловчи инсон капиталига таянган стратегик ёндашув шаклланаётганини кўрсатади.

Таълим соҳасининг Ўзбекистон — Япония муносабатларида анъанавий ва энг барқарор йўналиш сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Замонавий глобал ривожланиш тенденциялари шуни кўрсатадики, давлатлар рақобатбардошлиги, аввало, юқори малакали кадрлар захираси, инновацион фикрлаш ва амалий билимлар уйғунлиги билан белгиланади.

➔ 3

---

# ЭНЕРГЕТИКА БАРҚАРОРЛИГИ – ФАРОВОНЛИГИМИЗ АСОСИ



*Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори ёқилғи-энергетика соҳасида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Янги инвестиция лойиҳалари, тежамкор ва самарадорлиги юқори бўлган технологиялар ишлаб чиқариш кўлами сезиларли даражада оширилмоқда. Негаки, бутун дунёда бўлгани каби бизда ҳам энергетика ислоҳотларнинг юраги, ҳаракатлантирувчи кучидир. Бу йўналишни инновациявий тамойилларга кўра ривожлантириш, иқтисодчилар таъбири билан айтганда, Янги Ўзбекистон учун ҳаёт-мамот масаласига айланмоқда. Йирик ишлаб чиқариш тизимларининг пайдо бўлиши, янги шаҳарлар, тураржойлар, кўп қаватли уйлар ва шунга мос равишда ижтимоий объектларнинг қад кўтариши энергия манбаларига бўлган талабни кескин оширмоқда.*



### Сарҳисоб

— Бу соҳада хорижий сармоя ва инновациянинг нечоғли муҳимлиги шу йил 5 декабрь куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган “Барқарор энергетика — Янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадами” деб номланган анжуманда ҳам айтиб ўтилди, — дейди Энергетика вазирлиги масъул ходими Дилдора Ҳошимова. — Шу куни қарийб 11 млрд. долларлик 42 та янги қувват ва инфратузилма объекти ишга туширилди ва 21 та лойиҳа қурилишига “старт” берилди. Эътиборли жиҳат шундаки, мамлакатимизнинг чет эл инвестициялари учун жозибадорлиги ошиб бораётгани сабабли сўнгги 5 йилда энергетика тизимига 35 млрд. доллар хорижий сармоялар жалб қилинди ва 9 ГВт янги қувватлар ишга туширилди. Шунинг ўзиёқ ўн минглаб иш ўринлари яратилди, кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилмоқда деганидир.

Илгари қуёш панели, шамол ёрдамида электр энергияси ҳосил қилинишини кўпчилик тасаввурига сиғдира олмас, янгиликка шубҳа билан қарарди. Бугун эса уларнинг жозибадорлиги кескин ошмоқда. Хитой ва бошқа давлатлардан қуёш панели, шамол парраклари, эҳтиёт қисмларини импорт қилган тадбиркорларимиз ҳозирда бу ускуналарни маҳаллийлаштиришга жиддий киришган. Усталарнинг “яшил” энергия манбаларини ўрнатиш бўйича тажрибаси ошди, техника ва ускуналарга хизмат кўрсатиш борасидаги малака ҳам юқори даражада шаклланмоқда. Шу боис ҳам ўтган қисқа вақт ичида хусусий сектор, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида 2 ГВт қувватли кичик қуёш панеллари ўрнатилди. Натижада шу йилнинг ўзида қўшимча 2 млрд. кВт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилди.

➔ 3



# ВАТАН ТИНЧЛИГИ, ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ КАФОЛАТИ

*Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Қуролли Кучларини янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи ва мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлашга оид масалалар юзасидан Мудофаа вазирлиги тизимида олиб борилаётган ишлар ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида Мудофаа вазирининг ахбороти эшитилди.*

## Сенат қўмитасида

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича белгилаб берган вазифаларнинг сўзсиз ва сифатли ижросини таъминлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги тизимида самарали ишлар олиб борилган. Бунинг натижасида мамлакатимиз Қуролли Кучларининг салоҳияти юқори даражага кўтарилди.

Миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини оширишда, асосан, замонавий қуролли тўқнашувлар таҳлиллари ҳамда ривожланган хорижий армияларнинг ижобий тажрибалари қўшинларга татбиқ этилган.

Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Исроил, Россия, Хитой ва Ҳиндистон каби ўндан ортиқ илғор хорижий давлатлар армиялари тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юксак салоҳиятига оид янги тизим ишлаб чиқилиб, идоралараро қўшма қарор билан жорий этилган. Бунда жанговар шайлик даражаси оптималлаштирилиб, шу ҳолатга келтириш муддати 1,2 маротаба қисқартирилган.

2025 йилда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ҳамда хизмат муддатини ўтаб бўлганларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тадбирлари режали амалга оширилган. Мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган фуқароларнинг 89,4 фоизи иш билан таъминланган.

Шу билан бирга, 385 нафар ҳарбий ходим имтиёзли ипотека кредитлари асосида янги хонадонлар, 178 нафари эса хизмат уйлари билан таъминланган.

Мудофаа вазирлигига бириктирилган 14,6 мингдан зиёд "алоҳида ишлаш талаб этиладиган ёшлар" билан ўтказилган профилактик-тарбиявий тадбирлар натижасида қарийб 3,5 минг ёш муддатидан аввал профилактик ҳисобдан чиқарилган.

Вазирлик тизимида 2025 йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган 11 ойда Мудофаа вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан 3 157 та мурожаат келиб тушган, шундан 1 222 таси ижобий ҳал этилган, 1 358 та мурожаатга ҳуқуқий маслаҳат берилган ва 90 таси ўрганиб чиқилмоқда.

Шунингдек, вазирлик тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими таркибида жорий йил 1 ноябрдан "Call center" бўлинмаси ташкил қилиниб, бир ойда келиб тушган жами 857 та мурожаатнинг 722 таси оғзаки ҳал этилган, 135 таси ўрганиб чиқилмоқда.

Муҳокама якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЕВРООСИЁ МАКОНИДАГИ МУВОЗАНАТЛИ ЁНДАШУВ

*Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳозирги босқичдаги муҳим хусусиятини яна бир бор намоён этди: мамлакат халқаро майдонда қатъий позицияга эга, бироқ мувозанатли ва прагматик ёндашувни танлаган.*

## Мушоҳада

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи саммитида кузатувчи давлат раҳбари сифатида иштироки Ўзбекистон учун ушбу формат сиёсий рамз эмас, балки аниқ иқтисодий манфаатларга асосланган ҳамкорлик майдони эканини кўрсатди. Глобал иқтисодий беқарорлик, логистика йўналишларининг қайта шаклланиши ва савдо оқимларидаги ўзгаришлар шароитида Евроосиё маконида ишончли шериклар билан ҳамкорлик қилиш стратегик заруратга айланмоқда.

Йиғилишда илгари сурилган — савдо тўсиқларини камайтириш, техник ва санитария стандартларини уйғунлаштириш, рақамли божхона тизимларини жорий қилиш каби таклифлар Ўзбекистоннинг интеграцияга нисбатан реал натижага қаратилган ёндашувини акс эттиради. Айниқса, товар айирбошлаш ҳажмининг қарийб икки баробарга ўсиши мамлакатнинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги амалда ҳам иқтисодий фойда келтираётганини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи сиёсатини фақат иқтисодий манфаатлар доирасида баҳолаш тўлиқ тасаввур бермайди. Мамлакатнинг Евроосиё маконидаги фаоллиги Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли дипломатия билан узвий боғлиқ. Шу жиҳатдан Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларига Лев Толстой номидаги Халқаро тинчлик мукофотининг топширилиши муҳим сиёсий сигнал сифатида қабул қилиниши мумкин.

Мукофотга асос бўлган Хўжанд келишуви, яъни давлат чегаралари масаласидаги ўзаро англашув ва Абадий дўстлик декларацияси — Марказий Осиёда йиллар давомида мураккаб бўлиб келган масалалар сиёсий ирода ва мулоқот орқали ҳал этилиши мумкинлигини кўрсатди. Бу жараён Ўзбекистоннинг минтақада можаролар манбаи эмас, балки келишув ва ярашув ташаббускори сифатидаги ўрнини мустаҳкамлади.

Айнан шу нуқтада иқтисодий интеграция ва тинчлик дипломатияси бир-бирини тўлдирувчи омил сифатида намоён бўлади. Савдо, транспорт ва рақамли алоқалар ривожланмаган ҳудудда барқарор тинчликка эришиш қийин. Худди шунингдек, тинчлик ва ишонч муҳити бўлмаган минтақада иқтисодий интеграция самара бермайди. Ўзбекистон сиёсати эса ушбу икки йўналишни уйғун ҳолда илгари суришга қаратилган.

Санкт-Петербургдаги учрашувлар Ўзбекистоннинг Евроосиё маконида фаол, мустақил ва конструктив ташқи сиёсат олиб бораётган давлат сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлади. Иқтисодий манфаат, минтақавий барқарорлик ва инсонпарварлик қадриятларига таянган ушбу йўл мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёти учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

**Жамила БОБОНАЗАРОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.**

## Онлайн мулоқот

# ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

*Олий Мажлис Сенатида "Ўзбекистон — Сербия" ва "Сербия — Ўзбекистон" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларининг онлайн мулоқоти бўлиб ўтди.*

Унда Ўзбекистон — Сербия ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, хусусан, парламентлараро мулоқотни чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасида сиёсий алоқа ва иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги ўзаро ташрифлар ва учрашувлар бу жараёнга янги суръат бағишлаётгани қайд этилди.

Хусусан, шу йил октябрь ойида Сербия Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиққан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Ташриф доирасида парламентлараро шерикликни кенгайтириш, қўмиталар ва дўстлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, улар ўртасида мунтазам алоқани таъминлаш, қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

**«Халқ сўзи».**

## Конференция

# ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

*Андижон шаҳрида яримўтказгичли микроэлектроника ва нанотехнология соҳаларидаги сўнгги илмий ютуқлар, инновацион ечимлар ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва хорижий етакчи олимлар, соҳанинг нуфузли мутахассислари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вакилларининг мазкур йўналиш бўйича маърузалари эшитилди.*

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов ўз маърузасида мамлакатимизда илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, юқори технологиялар соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий салоҳиятни юксалтириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Конференция иштирокчилари ўзаро тажриба алмашиб, илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

**«Халқ сўзи».**

# МУҲОКАМАЛАРДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАН ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ



◄1 Муҳокама давомида фракция аъзолари Азиза Аминова, Диёр Ҳусанов ва бошқалар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб, унинг зарурати ва аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасидаги долзарб масалаларнинг Олий Мажлис палаталари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга ҳамда коррупцияга қарши курашувчи органларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

**"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу лойиҳа ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини янада тезлаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида ваколатли ташкилотлар ва адлия органлари томонидан йиғма жилд ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда эълон бериш муддатларини қисқартириш, якка тартибдаги уй-жойлар қуриш орқали ортиқча эгалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этишда бозор қиймати ўрнига қатъий белгиланган миқдорда бир марталик тўлов ундириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан бир марталик тўлов ўз вақтида амалга оширилган тақдирда, автоматик равишда 50 фоиз чегирма қўллаш, тўловлар белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва тегишли шахслар ўртасида тузиладиган шартнома асосида тўловларни 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмоқда.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров қонун лойиҳасига муносабат билдириб, ҳақиқатан ҳам, сўнгги пайтларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига эгалик ҳуқуқини бериш билан боғлиқ кўплаб муаммолар пайдо бўлганини таъкидлади.

— Ушбу қонун лойиҳаси билан бугунги амалиётдан келиб чиқиб, бу борада аҳолини қийнаётган муаммолар ечиляпти ва янада енгиллик бериляпти, — деди фракция раҳбари.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини янада жадаллаштириш, қонун ижросини амалиётда изчил ва бир хилда таъминлашга хизмат қилишидан келиб чиқиб, уни қўллаб-қувватлади.

**"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида "Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)ларнинг ўз фаолият йўналиши бўйича суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишига рухсат бериш назарда тутиляпти.

Шунингдек, адвокатнинг сўровига асосан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ шартнома асосида давлат ва нодавлат суд экспертлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш ва экспертлик фикрини бериш тартиблари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан берилган таклифлардан келиб чиқиб, суд экспертизасини ўтказишда касбий сирни сақлаш принципи билан тўлдирилган. Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Эксперт-малака комиссиясининг нодавлат суд экспертлари қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиши ёки аралашиши тақиқланиши назарда тутилган норма билан бойитилган.

Суд экспертизасини тўхтатиб туриш асослари ва муддатларини қонун даражасида аниқ белгилаш мақсадида алоҳида "Суд экспертизаси ўтказишни тўхтатиб туриш асослари ва муддатлари" номли модда билан тўлдирилган.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд экспертлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, экспертиза хулосаларининг ишончлилигини янада ошириш, пировардида одил судловни таъминлашга хизмат қилишини қайд этди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида сўз олган фракция аъзоси Фирдавс Шарипов қонун лойиҳасида назарда тутилаётган муддатларни аниқ белгилаш таклифини илгари сурди. Унинг таъкидлашича, бу ушбу ҳужжатнинг келгусида тўғридан-тўғри ишлаши ва самарали ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг санитария ва фитосанитария чораларига мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжат ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий этиш ҳамда мамлакатимизда етиштирилган ўсимлик ва маҳсулотларнинг ташқи бозорларга тўсиқларсиз чиқишини таъминлашни назарда тутади.

Мазкур қонун лойиҳаси билан бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда. Муҳокама жараёнида депутат Шокиржон Аҳмедов лойиҳада акс этаётган янги талаблар фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ортиқча қийинчиликлар келтириб чиқармаслиги, уларни амалга оширишда қулай механизмлар яратилиши лозимлигини таъкидлади.

Савол-жавоблардан сўнг кўриб чиқилган қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза билан кенг танишиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ҳар йили тайёрланадиган миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига тақдим этишнинг аниқ муддатларини белгилаш назарда тутилмоқда. Яъни миллий маърузани навбатдаги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан парламентга киритиш тартибини қонун даражасида мустаҳкамлаш таклиф этилмоқда.

Муҳокамада мазкур ўзгартиришлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назоратини янада кучайтириш, долзарб масалаларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга самарали ечим топишда муҳим омил бўлиши алоҳида қайд этилди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди. Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.



Йиғилишда, шунингдек, экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

Ушбу қонун лойиҳаси экологик тоза ҳудудларнинг мақомини ва режимини белгилашга ҳамда мазкур ҳудудларда пластик маҳсулотларнинг муомаласини тартибга солишга қаратилган.

Фракция аъзолари белгиланаётган нормалар мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, курорт ва экотуризм салоҳиятини ошириш, биохилмахилликни муҳофаза этишга хизмат қилишини таъкидлаб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

**«Халқ сўзи».**

# ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

*Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ("Green University")да "Экологик муаммоларнинг табиатга асосланган ечимлари" мавзуида III халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

## Анжуман

Мақсад — барқарор ривожланиш тамойиллари ҳамда илғор, экологик йўналтирилган технологиялар асосида экологик ислоҳотларни амалга оширишнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини муҳокама қилишдан иборат.

Таъкидланганидек, бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги, биохилмахилликнинг йўқолиши, ерларнинг шўрланиши ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби жиддий экологик муаммолар кузатилаётир. Улар атроф-муҳит, иқтисодиёт, жамоатчилик ва аҳоли саломатлигига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги минтақавий ҳамда глобал саъй-ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, 2025 йил юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" деб эълон қилиниши экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган "яшил" ривожланиш моделига ўтиш Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади эканини намоён этди.

Президентимизнинг яқинда имзоланган миллий экологик бошқарувни тубдан ўзгартириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги фармони соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Унга кўра тўғридан-тўғри Президент ва Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдор Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ташкил этилди.

Тадбирда "Green University"да "IUCN" минтақавий ваколатхонасининг очилиши халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиёдаги экологик муаммоларни илмий асосланган ечимлар орқали ҳал қилишда Ўзбекистоннинг тутган ўрнига юксак ишончдан дарак бериши таъкидланди. Университет базасида Хитой Фанлар академиясининг Шинжон Экология ва география институти билан ҳамкорликда очилган Марказий Осиё экология тадқиқот маркази минтақавий илмий изланишлар учун асосий платформага айланиши айтилди.

Анжуманнинг ялпи мажлиси доирасида маҳаллий ва хорижий етакчи экспертларнинг маърузалари тингланди. Ўзбекистоннинг экологик ва сув хўжалиги муаммолари ҳамда иқлим ўзгариши шароитида уларни ҳал этиш йўллари масалаларига эътибор қаратилди. Мамлакатимизда "яшил" иқтисодиётни шакллантириш, айни йўналишда инновацион технологияларни жорий қилишнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар, илмий хулосалар айтилди.

Сув тежовчи технологияларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигига таъсири, замонавий усул ва воситалар ёрдамида шаҳарлардаги иқлимий ҳамда табиий хатарларни бошқариш масалалари, ерлардан фойдаланишни баҳолашда интеграциялашган ёндашувлар, дарё ҳавзаларини барқарор бошқариш стратегиялари, атмосфера ҳавоси сифатини мониторинг қилиш мавзуларидаги муҳокамалар, билдирилган таклиф ҳамда тавсиялар келгусида экологик муаммоларга муносиб ечим бўла олиши таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов иштирок этди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН КАПИТАЛИ ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЁТ

## ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

←1

Шу маънода, таълим соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликнинг институционал пойдевори вазифасини бажармоқда.

Музокаралар чоғида ёш авлоднинг замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши, уларнинг келгусида тадбиркорлик ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга оширишга тайёр ҳолда шаклланишида Ўзбекистон — Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш марказининг ўрни алоҳида таъкидланди. Мазкур марказ мамлакатимизда фаолият юритиб, таълим билан амалий иқтисодий эҳтиёжлар ўртасида боғловчи платформа сифатида шаклланиб улгурди. Унинг фаолияти бозор талабларига мос амалий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатларининг изчил ривожланиб бораётгани таълим соҳасидаги аниқ кўрсаткичлар билан ҳам тасдиқланмоқда. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистондаги еттита олий таълим муассасасида япон тили ўқитилаётгани, Токио чет тиллар университетида эса сўнгги ўн йил давомида ўзбек тилини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилгани икки томонлама гуманитар алоқаларнинг институционал тус олганидан далолат беради. Бу жараёнлар тил ва маданият орқали ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, академик ҳамда илмий ҳамкорлик учун барқарор замин яратишга хизмат қилаётир.

Токиода ўтказилган музокаралар таълим ва инсон капитали масалалари Ўзбекистон — Япония муносабатларида стратегик аҳамиятга эга устувор йўналиш сифатида қаралаётганини яққол кўрсатди. Бу ёндашув икки давлат ҳамкорлигини қисқа муддатли лойиҳалар доирасидан чиқариб, келгуси авлодлар тараққиётига хизмат қиладиган узоқ муддатли, тизимли шерикликка айлантиришга қаратилгани билан муҳим ўрин тутади.

### Инновация — иқтисодиёт пойдевори

Япониянинг "иқтисодий мўъжизаси" тасодифий ёки қисқа муддатли омиллар натижаси эмас. У илмий асосланган, узоқ йиллар давомида изчил амалга оширилган таълим ва фан сиёсатига таянган ривожланиш моделининг мантиқий натижасидир. Илмий тадқиқотларга йўналтирилаётган салмоқли молиявий ресурслар, патентлар сони бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаши, шунингдек, физика, кимё ва тиббиёт соҳаларида Нобель мукофоти совриндорларини етиштириб чиқарган барқарор илмий муҳит мазкур моделнинг юқори амалий самарадорлигини яққол тасдиқлайди.

Япон таълим тизимининг ўзига хослиги, аввало, фундаментал фанларга, хусусан, математика ва табиий фанларга таянган мустаҳкам илмий базага эга экани билан изоҳланади. Бу база таълим сифатига қўйиладиган юқори талаблар, академик интизом ва узлуксиз такомиллашув тамойиллари билан уйғунлашган. Энг муҳими, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги институционал боғлиқлик тизимли равишда шакллантирилган. Мазкур боғлиқлик илмий ғояларнинг тезкор равишда амалиётга жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг иқтисодий қийматга айланишини таъминлайдиган асосий механизм сифатида хизмат қилмоқда.



Айнан шу модель Японияда инновацияларнинг узлуксиз равишда яратилиши ва жорий этилиши, юқори технологик маҳсулотлар улушининг ошиши ҳамда миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Илмий тадқиқотлар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан узвий боғланган ҳолда олиб борилиши инновацияларнинг лаборатория даражасида қолиб кетмасдан, саноат ва бизнес муҳитига кириб боришини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистонда таълим ва фанни ривожлантириш масаласининг давлат сиёсати даражасида устувор вазифа сифатида белгиланиши бевосита илғор халқаро тажриба, жумладан, Япония моделига таянган ҳолда амалга оширилаётганини кўриш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таълим ва фан мамлакатни жадал модернизация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш ва глобал интеллектуал маконга интеграциялашувининг асосий шарти сифатида белгилаб берилгани стратегик жиҳатдан чуқур асосланган ёндашув ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда олий таълим қамровининг кенгайиши, илмий фаоллик кўрсаткичларининг ўсиши, халқаро академик ва илмий ҳамкорликнинг фаоллашуви ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижаларини намоён этмоқда. Бироқ замонавий глобал рақобат шароитида бу натижалар билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Илм-фанни чуқур трансформация қилиш, янги авлод тадқиқотчиларини тайёрлаш, илмий фаолиятни кластер модели асосида ташкил этиш ҳамда илмий тадқиқотларни иқтисодий ўсиш нуқталари билан боғлаш олдимизда турган устувор вазифалар бўлиб қолмоқда.

Демак, Япония тажрибаси Ўзбекистон учун илмий асосланган, узоқ муддатли ва тизимли ёндашув намунаси сифатида аҳамият касб этади. Бу тажриба таълим ва фанни иқтисодий тараққиётнинг қўшимча омили эмас, балки унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш зарурлигини яққол кўрсатиб беради.

### Илмий дипломатия: «JSPS» ва «JST» билан ҳамкорлик аҳамияти

Японияга амалга оширилган расмий ташриф доирасида илмий дипломатия йўналишида ҳам муҳим ва узоқ муддатли аҳамиятга эга натижаларга эришилди. Хусусан, Япониянинг етакчи илмий институтлари — "Japan Society for the Promotion of Science" (JSPS) ва "Japan Science and Technology Agency" (JST) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Бу музокаралар фан соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида лойиҳалар даражасидан чиқариб, институционал ва тизимли ҳамкорлик босқичига ўтказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

"JSPS" билан олиб борилган мулоқотлар, аввало, фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, қўшма илмий изланишлар географиясини кенгайтириш ҳамда тадқиқотчилар алмашинуви механизмларини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган. Айниқса, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, докторантлар ва постдокторантлар учун стажировкалар, қўшма грант дастурлари орқали илмий мактаблар ўртасида узвий алоқаларни йўлга қўйиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди. Бу йўналишдаги ҳамкорлик инсон капитали сифатини ошириш, илмий тадқиқотчиларни халқаро илмий стандартлар асосида тайёрлашга хизмат қилади.

"JST" билан ҳамкорлик эса амалий ва инновацион тадқиқотларга йўналтирилгани билан ажралиб туради. Хусусан, "SATREPS" ("Science and Technology Research Partnership for Sustainable Development"), "SICORP" ("Strategic International Collaborative Research Program") каби халқаро дастурлар доирасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди. Мазкур дастурлар фан, технология ва инновацияларни барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлаштирган ҳолда амалий ечимлар ишлаб чиқишга қаратилгани билан стратегик аҳамият касб этади.

Ушбу ҳамкорлик форматлари Ўзбекистон илм-фани учун бир неча муҳим йўналишларда янги имкониятлар очади. Биринчидан, миллий илмий тадқиқотларнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Иккинчидан, илмий натижаларни инновацион маҳсулот ва технологияларга айлантириш жараёнини тезлаштиради. Учинчидан, Ўзбекистон олимларининг жаҳон илмий экотизимига интеграциялашувини таъминлаб, мамлакат илмий салоҳиятининг халқаро майдонда тан олинишини мустаҳкамлайди.

Илмий дипломатиянинг айнан шундай модели, яъни фан орқали ишончни мустаҳкамлаш, узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини шакллантириш ва глобал илмий муаммоларга қўшма ечимлар ишлаб чиқиш — замонавий халқаро муносабатларда тобора муҳим ўрин тутмоқда. "JSPS" ва "JST" билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик Ўзбекистон учун фанни ташқи сиёсатнинг муҳим таркибий қисмига айлантириш, илм-фанни иқтисодий ва технологик тараққиётнинг асосий драйвери сифатида намоён этишга хизмат қилади.

Шу маънода, Япония сафари доирасида илмий дипломатия соҳасида эришилган келишувлар фақат айрим лойиҳалар ёки грантлар билан чекланиб қолмай, Ўзбекистоннинг глобал илмий маконда ўз ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

### Академик алоқалар ва кадрлар тайёрлашда юқори босқич

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик сўнгги йилларда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда 2,8 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талабалар Япониянинг етакчи университетларида таҳсил олаётгани мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг барқарор ва тизимли тус олганидан далолат беради. Бу кўрсаткич таълим соҳасидаги алоқалар фақат алоҳида ташаббуслар билан чекланиб қолмаётгани, балки инсон капиталига қаратилган узоқ муддатли стратегик ёндашув шаклланаётганини кўрсатади.

Айниқса, "JDS" стипендия дастури доирасида 440 нафардан ортиқ давлат хизматчиларининг Японияда тайёрлангани икки давлат ўртасидаги ўзаро ишонч ва институционал ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворга эга эканини тасдиқлайди. Ушбу дастур нафақат юқори малакали кадрларни тайёрлаш, балки давлат бошқаруви тизимида замонавий билим, таҳлилий тафаккур ва инновацион ёндашувларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Япония таълим модели асосида тайёрланган мутахассислар мамлакатимизда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фаол қатнашиб, билим ва тажриба трансферига хизмат қилмоқда.

Академик ҳамкорликни институционал даражага кўтаришда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон — Япония ректорлар форумлари алоҳида ўрин тутади. Ушбу форумлар университетлар ўртасидаги алоқаларни шахсий ташаббуслар ёки алоҳида шартномалар доирасидан чиқариб, тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорлик форматига ўтказишга хизмат қилди. Форумлар доирасида қўшма таълим дастурлари, илмий тадқиқотлар, академик алмашинув ва инновацион лойиҳалар бўйича аниқ келишувларга эришилиши ҳамкорликнинг амалий мазмунга эга эканини кўрсатади.

Муҳим жиҳат шундаки, мазкур академик ҳамкорлик фақат талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви билан чекланиб қолмаяпти. У таълим мазмунини янгилаш, ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш, илмий тадқиқотларни иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлаш каби комплекс вазифаларни қамраб олмоқда. Бу эса кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган, рақобатбардош ва инновацияга йўналтирилган тизимга айлантиришга хизмат қилади.

### Университетлар консорциуми — институционал сифат ўзгариши

Цукуба университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Япония университетини ташкил этиш режаси таълим соҳасида миқдорий эмас, балки сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишни англатади. Бу ташаббус алоҳида қўшма таълим дастурини очиш ёки академик алмашинувни кенгайтириш билан чекланиб қолмай, олий таълим тизимида институционал моделни янгилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур лойиҳа орқали таълим, фан ва инновация ўртасидаги боғлиқликни ягона тизим сифатида шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Цукуба университети билан ҳамкорликда ташкил этилаётган университетлар консорциуми илғор таълим стандартлари, тадқиқотларга асосланган ўқитиш (research-based education) ва инновацион экотизим тамойилларини Ўзбекистон шароитига жорий этиш имконини беради. Қўшма таълим дастурлари билан бир қаторда илмий тадқиқотлар, қўшма лабораториялар, стартап лойиҳалар ва технологик трансфер механизмларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бу эса олий таълим муассасасини фақат билим бериш маркази эмас, балки инновация ва иқтисодий ўсишни таъминловчи институционал майдонга айлантиришга ҳисса қўшади.

Япония университетлари консорциуми модели, айниқса, юқори малакали муҳандислар, тадқиқотчилар ва инновацион фикрлайдиган мутахассислар тайёрлашда улкан аҳамиятга эга. Япония тажрибасида таълим ва фаннинг саноат билан узвий боғлиқлиги юқори технологик маҳсулотлар ва илмий натижаларнинг тезкор амалиётга жорий этилишини таъминлаган. Мазкур моделни Ўзбекистонда татбиқ этиш орқали миллий олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг янги институционал пойдевори яратилади.

Бу борада Нагоя университети раҳбариятининг баёноти алоҳида аҳамиятга эга. Университет президенти Ўзбекистонда япон университетининг очилиши япон академик жамоаси учун катта шараф билан бирга юксак масъулият эканини таъкидлаб, ушбу ташаббусни икки мамлакат ўртасидаги ишонч ва стратегик яқинликнинг амалий ифодаси сифатида баҳолади. Бу фикр университетлар консорциуми лойиҳасига Япония томонининг ҳам фақат шерик эмас, балки тўлиқ институционал масъулият билан ёндашаётганини кўрсатади.

Шу маънода, университет ташкил этиш ташаббуси Ўзбекистон — Япония таълим ҳамкорлигини янги институционал сифатга олиб чиқади. У миллий олий таълим тизимида илғор халқаро амалиётларни жорий этиш, илмий тадқиқот салоҳиятини ошириш ва инновацион иқтисодиёт учун зарур инсон капиталини шакллантиришда ҳал қилувчи омилга айланиши мумкин. Мазкур лойиҳа таълим соҳасидаги ҳамкорликни рамзий даражадан чиқариб, аниқ натижаларга йўналтирилган стратегик механизм сифатида намоён этади.

### Экология ва барқарор ривожланиш: Тоттори тажрибаси

Ўзбекистон — Япония таълим ва илмий ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири экология ва барқарор ривожланиш соҳасидаги қўшма ташаббуслардир. Шу маънода, Тоттори университети билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Университет раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг чўлланган ҳудудларини илмий ёндашувлар асосида ободонлаштириш, агротехнология ва экологик барқарорлик соҳаларида қўшма тадқиқотлар олиб боришга тайёрлик билдирилиши бу ҳамкорликнинг амалий йўналтирилганини кўрсатади.

Маълумки, иқлим ўзгариши Марказий Осиё учун аллақачон назарий таҳдид эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга бевосита таъсир кўрсатаётган реал муаммога айланган. Чўлланиш жараёнларининг тезлашиши, сув ресурсларининг камайиши, ер унумдорлигининг пасайиши Ўзбекистон олдида турган энг долзарб экологик масалалардан ҳисобланади. Тоттори университетининг чўл экотизимларини тиклаш, қумли ҳудудларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сувни тежовчи агротехнологияларни жорий этиш бўйича илмий тажрибаси мазкур муаммоларга илмий асосланган ва узоқ муддатли ечимлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Бу ҳамкорлик фақат алоҳида тадқиқотлар доирасида қолиб кетмасдан, экология соҳасидаги илмий билимларни амалиётга жорий этиш, яъни барқарор ривожланиш моделини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Агротехнология ва экологик инновациялар соҳасида қўшма лабораториялар, тажриба майдонлари ва пилот лойиҳаларни йўлга қўйиш орқали Ўзбекистоннинг чўлланган ҳудудларида иқтисодий фаолликни сақлаб қолиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш имконияти пайдо бўлади.

Ташриф доирасида сунъий интеллект, рақамли технологиялар, қишлоқ ва сув хўжалиги, "яшил" энергетика, барқарор ривожланиш, сейсмология ва "ақлли" шаҳар технологиялари каби соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам тасодифий эмас. Бу йўналишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси "ўсиш нуқталари" ҳисобланиб, уларда илмий тадқиқот ва инновацияларни жадаллаштириш стратегик аҳамият касб этади. Япониянинг ушбу соҳалардаги илғор тажрибаси Ўзбекистон учун технологиялар трансфери ва кадрлар тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шу тариқа Тоттори университети билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик экология ва барқарор ривожланиш масалаларини таълим ҳамда фан орқали ҳал этишнинг намунавий модели сифатида намоён бўлмоқда. Бу ёндашув Ўзбекистон — Япония стратегик шериклигининг мазмунан бойиб, инсон капитали билан бир қаторда табиий ресурсларни асраш ва келгуси авлодлар манфаатини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликка айланаётгани ифодасидир.

Японияга амалга оширилган мазкур ташриф Ўзбекистон — Япония муносабатларини янги, интеллектуал босқичга кўтарди. Таълим, фан ва инновациялар соҳасида илгари сурилган ташаббуслар нафақат жорий ислоҳотларнинг мантиқий давоми, балки мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёти учун мустаҳкам интеллектуал пойдевор яратади. Бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг очиқлик, ҳамкорлик ва тараққиётга қаратилган сиёсатининг ёрқин намунаси сифатида келгуси авлодлар манфаатига хизмат қилади.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири.**

---

# ЖАДИДЛАР ИЗИДАН ОДИМЛАЁТГАН АВЛОД

*Пойтахтимизда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан уюштирилган "Жадидлар изидан" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда таълим соҳаси мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқувчилар қатнашди.*

**Танлов**

Тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, мутолаа маданиятини юксалтириш, уларнинг қалбида маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, маърифатпарвар аждодларимиз меросига ҳурмат туйғусини кучайтиришга алоҳида урғу қаратилаётгани таъкидланди.

Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган "Жадидлар изидан" республика танлови тараққийпарвар боболаримизнинг ҳаёти, фаолияти, илмий-маърифий меросини ёш авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги тадбирда юртимизнинг энг фаол, энг интилувчан ёшлари ўзаро куч синашди. Ўтган йили танловга 360 минг ўқувчи ариза топширган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткич 656 минг нафардан ортиқни ташкил қилди. Шунинг ўзи ҳам танловга бўлган қизиқиш ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Якуний натижаларга кўра, 6, 7, 8-синфлар йўналиши бўйича 1-ўрин Фарғона туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Комилахон Кўчқоровага, 2-ўрин Косон туманидаги 79-мактаб ўқувчиси Меҳметжон Ғаниевга, 3-ўрин Бухоро туманидаги 27-мактаб ўқувчиси Муҳаммадали Холиқовга насиб қилди.

9 ва 10-синфлар йўналиши бўйича 1-ўринни Вобкент туманидаги 18-мактаб ўқувчиси Азиза Туробова, 2-ўринни Булоқбоши туманидаги 55-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси ўқувчиси Шодия Адҳамова, 3-ўринни Чортоқ туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Абдулазиз Собиров эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга ҳамда энг юқори балл тўплаган 8 нафар иштирокчига Германияга таълим саёҳати йўлланмаси берилди.

Тадбир доирасида бир гуруҳ педагоглар ва хорижлик ўқитувчилар "Халқ таълими фидойиси", "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

---

# ЭНЕРГЕТИКА БАРҚАРОРЛИГИ — ФАРОВОНЛИГИМИЗ АСОСИ



←1

Дилдора Ҳошимованинг айтишича, катта сарф-харажатлар эвазига ишлаб чиқарилган электр энергиясини истеъмолчиларга йўқотишларсиз етказиб бериш масаласига ҳам ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратяпти. Бу борада қатор қарорлар қабул қилинди, чора-тадбирлар белгиланди, айни мақсадлар учун давлат ғазнасидан катта маблағ йўналтирилмоқда. Натижада ҳудудларда 69 минг км. электр тармоқлари, 14 мингта трансформатор ва юқори кучланишли нимстанция янгиланди.

Ёқилғи-энергетика соҳасига инвестиция оқимининг ортиб бораётганини давлатимиз раҳбарининг хорижий сармоядорлар билан очиқ мулоқотлари натижаси, дея баҳолаш мумкин. Чунки ишончли ҳамкор, бизнес учун етарли кафолат бўлмаган жойга инвестор келмаслиги тайин. Ўзбекистонда эса бу борада муаммо йўқ, давлат раҳбарининг ўзи бизнес учун, тадбиркорлар учун бир-биридан жозибадор лойиҳаларни, йўналишларни таклиф этмоқда. Ана шу сабабли ёқилғи-энергетика тизимига шу йилнинг январь — ноябрь ойларида жами 8,8 млрд. доллар хорижий инвестициялар *(ўтган йилдагига нисбатан 0,5 млрд. доллар кўп)* жалб қилинди. Шунинг асосий қисми, яъни 6,3 млрд. доллари энергетика йўналишида.

Бугунги кунда республикада жами 148 та электр станция мавжуд бўлиб, уларнинг ўрнатилган қуввати 25 797 МВтни ташкил этади. Шундан иссиқлик электр станциялари 17 551 МВт, гидроэлектр станциялар 2 441 МВт, қуёш фотоэлектр станциялари 3 930 МВт, шамол электр станциялари 1652 МВт ҳамда блокстанциялар 223 МВт қувватга эга. Энергияга талаб ошган вақтларда эса истеъмолни қоплаш учун 11 та 1 447 МВтга тенг батареяли энергия сақлаш тизими яратилди.

Эътиборли жиҳат шундаки, бугунги кунда қувватларнинг қарийб 31 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига тўғри келади. 2030 йилга бориб юртимизда жами 120 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши ва унинг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига тўғри келиши режалаштирилган.

Жорий йил тизимга қарашли "Ҳудудий электр тармоқлари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларида ҳам ўнга яқин йирик подстанцияларни таъмирлаш, кабель тармоқларини янгилашга жиддий эътибор қаратилди. Иш сифати тажрибали мутахассислар томонидан назорат қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқарилган электр энергия самарадорлигини оширишга, исрофгарчиликни камайтиришга турткий берди.

> ***Эътиборли жиҳат шундаки, бугунги кунда қувватларнинг қарийб 31 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига тўғри келади. 2030 йилга бориб юртимизда жами 120 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши ва унинг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига тўғри келиши режалаштирилган.***

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида ҳудудларда жами 787 км. магистраль ва 29,5 минг км. тақсимловчи тармоқлар, 9 та магистраль нимстанциядаги трансформатор ва 10 270 та трансформатор пункти мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Энергетика вазирлиги масъулининг сўзларига қараганда, қиш мавсумида электр энергияси тармоқларига "босим" кучаяди, бу табиий жараён. Қолаверса, жойларда турли сабабларга кўра носозликлар, каттаю кичик авариялар юз бериши мумкин. Баъзи ҳолларда электр ва газ тармоғига ноқонуний уланиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Айрим кишилар эса мутахассисга айтмай, унинг келишини кутмай хонадонига уланган тармоқни созлашга ё газ босимини ўзбошимчалик билан кўтаришга интилади. Бу муаммолар ҳам охир-оқибат энергия тизимидаги барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Энергетика вазирининг буйруғига кўра, республика бўйича 279 та авариявий бригада ташкил этилиб, улар барча зарурий воситалар билан тўлиқ таъминланган.

Йилдан-йилга тизимда рақамлаштириш салмоғи ошмоқда. Келгусида "ақлли" ҳисоблагичлар исрофгарчиликнинг олдини олиш кафолати сифатида бутун тармоқни қамраб олади. Айни чоғда эса ижтимоий тармоқлардаги электр энергияси ва газ тармоқлари йўналишидаги расмий сайт ва телеграмм каналлар аҳоли мурожаатларига тезкорлик билан муносабат билдирмоқда. Шу тариқа техник носозликлар, коррупцияга мойиллик ҳолатлари, турли камчиликлар мутасаддилар томонидан бартараф этиляпти.

Агар жорий йил қиш мавсумида мамлакатимиз бўйича электр энергия истеъмоли қарийб 47 млрд. кВт-соатдан ошишини назарда тутсак, бу, албатта, тизимдаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассис зиммасига катта масъулият юклайди. Ўз навбатида, яна бир муҳим масала — энергия таъминоти тизимидаги мутахассислар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратиляпти. Тажрибали усталар кўмагида ўқув курслари, малака ошириш марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

— Аёзли кунларда газга бўлган талаб ҳам кескин ошади ва бу йўналишдаги ишлар ҳам хавфсиз ва самарали бўлмоғи зарур, — дейди Дилдора Ҳошимова. — Вазирлик талабига кўра, газ-транспорт тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 70,9 км. нуқсонли қисмлар алмаштирилди, 91 та компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегатлари, 3 591,4 км. қувурлари созланди. Шунингдек, истеъмолчилар учун газ таъминотини яхшилаш мақсадида 553,1 км. тармоқлар ва 971 та газ тақсимлаш пункти мукаммал таъмирланди. Транспорт воситалари ва керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бригадалар туну кун навбатчиликда.

Шунингдек, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига 801 та махсус автомашина кўмагида 592,9 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилгани ва бу ишни келгусида узлуксиз давом эттириш режалаштирилгани ҳам аҳоли мурожаатларини кескин камайтириш имконини яратмоқда.

Яна бир муҳим янгилик. Мамлакатимизда келгуси йил 8 та қуёш фотоэлектр, 6 та шамол электр станцияси ҳамда 8 та электр энергиясини сақлаш тизими ишга туширилади. Шу тариқа энергетика тармоғининг қуввати ва салоҳияти сезиларли даражада ошади. Бу, албатта, хорижий компанияларнинг ўз сармояларини ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтираётгани, халқаро майдонда юртимизга бўлган ишончнинг ортиб бораётгани мевасидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "яшил" энергия манбаларига ўтиш, аввало, ўзимиз учун, атроф-муҳитни асраш, саломатлигимиз мустаҳкам бўлиши учун зарур. Зеро, бутун дунё шунга интилмоқда.

— Яқинда ижтимоий тармоқларда иситиш тизимида газдан тўлиқ воз кечиб, электрга ўтиш ва бунинг учун махсус тарифлар жорий қилиниши ҳақидаги фикр айтилди, — дейди Жиззах вилояти "Энергия сотиш" идораси масъули Ойбек Султонов. — Чунки газ бир кун келиб тугайдиган ресурс, уни ёқиб юборгандан кўра, чуқур қайта ишлаб, полимерлар ёки ўғитлар олиш Давлат бюджети учун ўн баробар фойдалироқ. Дунё тажрибасига назар ташласак, иқлими биздан анча совуқ бўлган Швеция ва Норвегияда уйларни иситишда аллақачон самарадорлиги юқори бўлган "иссиқлик насослари" ва тўлиқ электр тизимига ўтилган. Уларда ҳам газ бор, аммо газдан саноатда қўшимча қиймат яратилади. Хитойдек гигант давлат ҳам ҳаво ифлосланишининг олдини олиш мақсадида "кўмирдан электрга" дастури орқали миллионлаб хонадонларни электр иситиш тизимига ўтказди ва бунинг учун аҳолига махсус, арзонлаштирилган тунги тарифлар тақдим этилган. Францияда эса атом энергетикаси устувор. Қолаверса, қайси давлатда бўлмасин, газни минглаб чақирим қувурларда ҳайдашдан кўра электр симлари орқали энергия узатиш ҳам арзон, ҳам хавфсиз.

Аслида электрга ўтиш — шунчаки газни ўчириб, "розетка"га электрпечни улаш дегани эмас. Бунинг учун трансформатору кабелларнинг қуввати, имконияти ва подстанцияларнинг бардошлилиги кескин оширилиши шарт. Уйларимиз эса "термос" каби иссиқликни сақлайдиган даражада мукаммал таъмирланиши зарур. "Изоляция" қилинмаса, таъбир жоиз бўлса, бинонинг тагидан ўт ёқсангиз ҳам исимайди. Шундай экан, газни саноатга, электрни эса маиший истеъмолга йўналтириш — Ўзбекистон энергетикаси учун энг мақбул йўл. Фақат кенг жамоатчилик қатори тизимнинг ўзида ҳам бунга жиддий тайёргарлик кўрилиши лозим.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

**Ўтган тўққиз йилда Тошкент шаҳри иқтисодиётига 20 млрд. доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилди, 5 мингга яқин йирик лойиҳалар ишга туширилди.**

# ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ХАРИТАСИДА

## МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАЁТГАН КЎҲНА ЗАМИН

*Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, туризм иқтисодиётнинг юқори мультипликатив самарага эга тармоқларидан бири ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулот ўсиши, аҳоли бандлиги ва ҳудудий ривожланишни таъминлашда ушбу йўналиш муҳим ўрин тутади. Шу маънода, мамлакатимизда туризм соҳасини стратегик йўналиш сифатида белгилаш объектив иқтисодий заруратдир. Қолаверса, Ўзбекистон геоиқтисодий ва геомаданий жиҳатдан Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, Буюк Ипак йўли чорраҳасида шаклланган бой тарихий-маданий мерос, хилма-хил табиий ландшафтлар ҳамда этномаданий ресурслар юртимизда туризмни ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратади.*

### Таҳлил



Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан туризмга стратегик аҳамият берилиши натижасида бу соҳа иқтисодиётнинг муҳим драйверига айланмоқда. Бунинг учун туризмнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланаётир. Биргина 2025 йил 18 ноябрдаги “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони ва унга мувофиқ қабул қилинган тегишли қарор Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг янги ва самарали босқичини бошлаб берди. Бу соҳага нисбатан давлат сиёсатининг узоқ муддатли ҳамда барқарор йўналтирилганини англатади.

Айтиш жоизки, дунё миқёсида туризм соҳасининг рақамли трансформацияси жадал суръатларда ривожланаётир. Рақамли технологияларнинг тизимга кенг жорий этилиши “smart tourism” тушунчасининг шаклланишига олиб келди. “Smart tourism” деганда, ахборот-коммуникация технологиялари, катта маълумотлар (big data), сунъий интеллект, рақамли платформалар ва онлайн хизматлар асосида туристик фаолиятни бошқаришнинг замонавий модели тушунилади. Ушбу модель туризм субъектлари харажатларини оптималлаштириш, хизматлар сифатини ошириш ва бозор муносабатларида шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, соҳада коррупция хавфини камайтирмоқда, ҳисобот ва молиявий операциялар ошкоралигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

#### Жаҳон стандартларига мослашиш — давр талаби

Жаҳон туризм бозорида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда, Ўзбекистон ўз миллий туристик маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга интилмоқда. Бу мақсадга эришиш учун, аввало, меҳмонхона, транспорт, овқатланиш ва экскурсия хизматларининг сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш талаб этилади.

Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари айнан шу йўналишда аниқ механизмларни жорий этади. Замонавий туризмда барқарорлик (sustainable tourism) ва экологик тозалик асосий талаблардан бири. Табиий ресурсларни асраган ҳолда туризмни ривожлантириш, экотуризм ҳамда агротуризм каби йўналишларга устуворлик берилиши Ўзбекистоннинг узоқ муддатли туристик жозибадорлигини сақлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда туризм соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини амалдаги 3,5 фоиздан 7 фоизгача, шунингдек, чет эллик туристларнинг йиллик сонини амалдаги 10 млн.дан 20 млн. нафаргача етказиш, тўлов қобилияти юқори бўлган туристлар оқимини кўпайтириш, туризм хизматлари йиллик экспорти ҳажмини 6 млрд. АҚШ долларидан ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг туристик шаҳарлари ўртасидаги транспорт боғланишини яхшилаш, ички авиақатновлар сонини кўпайтириш ҳамда йўлга сарфланадиган вақтни камида 3 баравар қисқартириш, 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, туристик хизматлар ва маҳсулотларни диверсификация қилиш орқали юртимизнинг туристик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, миллий туристик брендларни яратиш учун янги инструментларни жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Сайёҳларни жалб қилиш бўйича қўшимча имкониятларни ишга солиш мақсадида 2026 — 2028 йилларда Самарқанд шаҳридаги энг муҳим тарихий объектларни боғловчи 6,6 км. узунликдаги туристик маршрутга асос солиш бўйича “Самарқанднинг мерос йўли” лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш, аҳолининг турмуш тарзи, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари ва коммуникация тизимини тарихий муҳит билан уйғунлаштирган ҳолда Хива шаҳридаги Ичан қалъа мажмуасини жаҳонда ягона бўлган иммерсив ҳамда “ақлли” музей-шаҳарга айлантириш мақсад қилинган.

Қолаверса, Тошкент шаҳрида модернизм ёдгорликларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича материаллар тақдим этиш, энг кўп мозаикалар бор шаҳар сифатида жаҳон миқёсида эътироф топишига эришиш каби амбицияли лойиҳаларни амалга ошириш ҳам айни шу йўналишдаги устувор вазифалардан биридир.

> ***Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йил январидан августгача мамлакатга 7,5 млн. чет эллик сайёҳ ташриф буюрган, бу ўтган йилдагига нисбатан 49 фоиз кўп. Мазкур ижобий тенденцияни виза режимини либераллаштириш ҳамда тарихий меросимизнинг фаол тарғиботи, бюрократик тўсиқларнинг камайиши, маркетинг кампанияларининг кенгайиши билан боғлаш мумкин. Ушбу соҳадаги ўсиш минтақанинг халқаро саёҳатчилар учун жозибадорлигини оширмоқда.***

#### Ижобий тенденция нималарда намоён бўлмоқда?

Ўзбекистон маданий туризм маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамламоқда. Самарқанд, Бухоро ва Хива энг машҳур йўналишлар бўлиб қоляпти.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йил январидан августгача мамлакатга 7,5 млн. чет эллик сайёҳ ташриф буюрган, бу ўтган йилдагига нисбатан 49 фоиз кўп. Мазкур ижобий тенденцияни виза режимини либераллаштириш ҳамда тарихий меросимизнинг фаол тарғиботи, бюрократик тўсиқларнинг камайиши, маркетинг кампанияларининг кенгайиши билан боғлаш мумкин. Ушбу соҳадаги ўсиш минтақанинг халқаро саёҳатчилар учун жозибадорлигини оширмоқда.

Туризм ўсишидаги асосий омиллардан яна бири — минтақа мамлакатларида виза сиёсатининг яхшиланишидир. Бу сиёсат нафақат Ўзбекистон, балки минтақамизда ҳам сезиларли даражада либераллаштирилди. Бу туризм соҳасида интеграциянинг яхши намунасидир. Мамлакатимиз ўз туризм соҳасини ривожлантиришга фаол сармоя киритиб, ҳам ички, ҳам хорижий инвестицияларга эътибор қаратаётгани таҳсинга лойиқ. Сўнгги саккиз йилда Ўзбекистон туризм саноатига 6,5 млрд. доллар сармоя киритилди, натижада 130 мингта меҳмонхона ўрни яратилди.

Туризм қўмитаси маълумотларига кўра, оилавий меҳмонхоналар сони 2024 йилда 319 тадан 3700 тагача кўпайди, 110 та янги меҳмонхона ва 110 та хостел қурилди. Айни шу соҳада 48 минг иш ўрни яратилди. Жорий йилда инфратузилмани ривожлантириш учун 400 млрд. сўм ажратилиб, бу 50 минг фуқаро учун етарли иш ўринларини яратди.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги мамлакатнинг бой маданий-тарихий меросини асраш, уни халқаро миқёсда тарғиб қилиш ҳамда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришда муҳим институционал асосдир.

Ўзаро ҳамкорлик, аввало, моддий маданий мерос объектлари муҳофазаси орқали намоён бўлади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби тарихий шаҳар марказларининг ташкилотнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилиши ушбу ҳудудларнинг халқаро нуфузини ошириш билан бирга, уларни сақлаш, реставрация қилиш ва илмий асосда бошқариш учун ҳуқуқий ҳамда институционал механизмларни мустаҳкамлади, туристик оқимнинг ортиши, инвестициявий жозибадорликнинг кучайиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш имконини яратади.

#### Ўзаро ҳамкорликнинг стратегик аҳамияти

Номоддий маданий мерос соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги стратегик аҳамият касб этади. Миллий анъаналар, урф-одатлар, ҳунармандчилик, оғзаки ижод ва маросимларнинг ЮНЕСКО рўйхатларига киритилиши уларни сақлаш билан бир қаторда, миллий маданий идентичликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу жараён туризм соҳаси учун ҳам муҳим ҳисобланади, чунки замонавий турист нафақат архитектура ёдгорликларига, балки маҳаллий маданият, анъаналар ва ҳаёт тарзига қизиқиш билдирмоқда. Шу нуқтаи назардан, номоддий мерос объектлари этнотуризм, маданий туризм ҳамда ижтимоий туризмни ривожлантиришда муҳим ресурсга айланмоқда.

ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши, бу — таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаси. Халқаро стандартлар асосида мутахассислар тайёрлаш, маданий меросни бошқариш, реставрация, музейшунослик ҳамда туризм соҳаларида илмий салоҳиятни оширишга қаратилган қўшма лойиҳалар амалга оширилаётир. Бу ҳам туризм соҳасида малакали кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш билан бирга, хизматлар сифатини ошириш ҳамда рақобатбардош туристик маҳсулотларни шакллантириш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳага қаратилаётган эътибор туфайли ушбу йўналишдаги ишлар изчиллик касб этмоқдаки, бу, шубҳасиз, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини кескин оширди. Бошқа томондан, инфратузилма ривожлантирилмоқда, янги аэропортлар, тезюрар темир йўллар, замонавий меҳмонхоналар ва йўл инфратузилмаси қурилаётгани сайёҳларнинг мамлакатимиз бўйлаб ҳаракатланишини қулайлаштирди.

Дарвоқе, бугунги кунда заминимизда анъанавий маданий-тарихий туризмдан ташқари, зиёрат туризми, гастрономик туризм, тоғ туризми ва экотуризм каби янги йўналишлар фаол ривожлантириляпти.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ва белгиланган устувор вазифалар Янги Ўзбекистоннинг халқаро туризм харитасида барқарор ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Туристлар оқимининг кўпайиши, туризм хизматлари экспорти ҳажмининг ошиши ҳамда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўсиши эса мамлакат иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил сифатида намоён бўлаётир. Шу маънода, тизимли чора-тадбирлар Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш ва уни иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверига айлантириш учун мустаҳкам илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

**Нозима ЗУФАРОВА,**
**ТДИУ туризм факультети декани,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

*Хонобод шаҳрини мамлакатимизнинг йирик сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш мақсадида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Хусусан, Кампирровот маҳалласи ҳудудида сунъий кўл ҳавзаси барпо этилаётгани ҳам шундан далолат.*

## ХОНОБОДДА ЯНГИ САЙЁҲЛИК ЛОЙИҲАСИ



— Бунёдкорлик ишлари 104 гектар майдонни қамраб олмоқда, — дейди шаҳар ҳокимлиги ходими Қуддусбек Турсунбоев. — 25 гектарлик сунъий кўл бунёд этиш, савдо ва кўнгилочар марказларини қуриш, учта очиқ чўмилиш ҳавзаси ҳамда бир нечта аквапаркларни ташкил қилиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, ҳудудда ҳар бири 100 ўринли 8 та апарт-отель, 200 ўринга мўлжалланган замонавий меҳмонхона, спорт майдонлари, аҳоли дам олиш масканлари ва кенг кўламли яшил ҳудудлар барпо этилиши кўзда тутилган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Хонобод шаҳрида туризм инфратузилмаси янги босқичга кўтарилиши, аҳоли учун янгидан-янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

## МЕБЕЛСОЗЛИККА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНОАТ ЗОНАСИ

*Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтиришда саноат зоналарининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада эришилган ютуқлар Андижон вилояти мисолида ҳам яққол намоён бўляпти. Ҳозирга қадар ҳудудда 48 та саноат зонаси очилиб, 5,7 трлн. сўмлик 1337 та лойиҳа ишга туширилди.*




— Олтинкўл туманида 16 гектар майдонда мебелсозликка ихтисослаштирилган саноат зонаси ташкил этилди, — дейди Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Акмалжон Мамажонов. — Бу ерда ишлаб чиқариш цехлари ва савдо бўлимлари мавжуд. Лойиҳа ишлари ҳозир ҳам давом этяпти, корхоналар босқичма-босқич ишга туширилмоқда. Тўлиқ фойдаланишга топширилгач, 1,5 мингта иш ўрни яратилади, 237 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб боради. Эътиборли жиҳати, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳозирданоқ ички бозор билан бир қаторда Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

## ХЎЖАОБОДДА «АҚЛЛИ» ҲИСОБЛАГИЧЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

*Хўжаобод туманида Хитойнинг “Sanshuan Intelligent Technology Co., Ltd” компанияси билан ҳамкорликда “ақлли” сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилмоқда. Завод ишга туширилгач, юздан ортиқ иш ўринлари яратилади.*

— Янги корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар замонавий рақамли технологияларга асосланган бўлиб, сув сарфини аниқ ҳисоблаш ва назорат қилиш имконини беради, — дейди вилоят ҳокимлиги ходими Рустамжон Эшонов. — Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бундай ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадон ва ташкилотларда сув исрофгарчилиги камайиб, умумий истеъмол ҳажмини тахминан 10 — 20 фоизгача тежаш, истеъмолчилар томонидан тўланадиган тўловни эса 4-5 баробар қисқартириш имкони вужудга келади.

Аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналарида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ушбу маҳсулот келгусида ҳудуддаги коммунал хизматлар сифатини оширишга ёрдам беради.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ОРЗУИМИЗ УШАЛГАН КУН

*Сурхон воҳасининг олис бир қишлоғида истиқомат қиламан. Икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ ногирони.*
*Очиғи, кўп йиллар оиламиз учун ҳаёт осон кечмади. Ўз уйимиз йўқлигидан ота уйимизда яшаб келдик. Тор ҳовли, тор уй — болаларнинг шовқинига қўшилиб изтироб кенгайса-да, юрагим торайгандай туюларди. Эрталаб болаларим мактабга кетаркан, “Она, қачон бизнинг ҳам ўз уйимиз бўлади?” деган саволни бермасликка ҳаракат қилишарди. Лекин уларнинг кўзларидаги умидни кўриб, ич-ичимдан эзилардим.*



### Қишлоқдан мактуб

Турмуш ўртоғимнинг соғлиги туфайли доимий ишда бўлиш қийин. Мен эса қўлимдан келганча рўзғорни юритишга, фарзандларимизни кам-кўстсиз улғайтиришга интилдим. Шу шароитда “маҳалла еттилиги” томонидан оиламиз камбағал оилалар реестрига киритилди. Бу мен учун шунчаки рўйхат эмас, балки катта умид эди. Ва Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган сўзлар қоғозда қолмаётганини ўз ҳаётимда ҳис қилдим.

Маҳалладаги масъуллар шароитимизни ўрганиб, муаммоларимизни эшитди. Орадан кўп ўтмай, ҳомийлар кўмаги билан оиламиз учун 3 хоналик, барча замонавий шароитларга эга уй қуриб берилди. Илк бор янги уйимизга кириб келганимиздаги фарзандларимнинг қувончини ҳеч қачон унутмасам керак. Улар ишониб-ишонмай “Она, бу ростдан ҳам бизнинг уйимизми?” деб сўрашганида беихтиёр кўзимга ёш келди. Бу шукроналик кўз ёши эди...

Асосийси, янги уй билан янги ҳаёт бошланди. Турмуш ўртоғимнинг ҳам руҳияти кўтарилди, фарзандларимизнинг келажакка умиди ортди. Бугун шуни айта оламанки, давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати қаердадир узоқда эмас, у бизнинг маҳалламизда, уйимизда, болаларимизнинг қувончида намоён бўляпти. Агар инсонга ишонч берилса, суянчи борлигини ҳис этса, у албатта, эртанги кунидан хотиржам бўлади.

Янги Ўзбекистонни ана шундай — оддий инсон тақдирига ҳам бефарқ бўлмаган ғамхўр ва адолатли жамият сифатида кўраман. Давлат томонидан бунчалик эътибор оиламиз учун фақат бошпана эмас, балки келажакка юксак ишонч ҳам берди. Президентимиз олиб бораётган инсонпарвар сиёсатга жавобан эндиликдаги мақсадимиз — фарзандларимизни Ватанга содиқ, халққа фойда келтирадиган, меҳнатсевар ва ҳалол инсонлар қилиб тарбиялаш. Ишонтириб айтаманки, улар Янги Ўзбекистон равнақига ўз ҳиссасини қўшадиган баркамол инсон бўлиб улғаяди.

**Барно АЛИЕВА,**
**Узун туманидаги Кичик жончекка маҳалласи фуқароси.**

РЕКЛАМА

**«Elektron Realtor» МЧЖ**

Erieltor

**тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ балансида бўлган:**

— Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, “Работак” МФЙ, 10-Гулзор кўчаси, 53-уйда жойлашган тўйхона биноси сотилади.

Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имконияти мавжуд.

*Савдода иштирок этиш учун талабгорлар **“e-rieltor.uz”** платформаси орқали ариза бериши керак.*

**Call-марказ: +99855-517-22-20.**
**Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали таҳририяти жамоаси журнал катта муҳаррири

**Виталий Гиенович КАН**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**2026 — 2030 йилларда болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш бўйича стратегия ишлаб чиқилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6